

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

ИИВ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНГАН БОШҚА
ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИ
КУРСИДАН МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ

ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2013

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Тахририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган

Т у з у в ч и - м у а л л и ф л а р :
юридик фанлар номзоди, доцент **М.З. Зиёдуллаев;**
Б.П. Имомов; Х.Ў. Қурбонов

Т а қ р и з ч и л а р :
Ўзбекистон Республикаси ИИВ котибияти бошлиғи вазифасини вақтинча
бажарувчи, подполковник **С.Ш. Рустамов;**
юридик фанлар номзоди **Ж.С. Мухторов**

**И-96 ИИВ томонидан белгиланган бошқа йўналишлардаги
хизматлар фаолияти курсидан масалалар тўплами: Ўқув-
амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси, 2013. – 38 б.**

Ушбу ўқув-амалий қўлланма Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантларининг «ИИВ томонидан белгиланган бошқа йўналишлардаги хизматлар фаолияти» курси бўйича олган билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида тайёрланиб, унда ўқув курси дастурида белгиланган мавзуларга оид, ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари амалий фаолиятида кўп учрайдиган масалалар ҳамда уларни ечишга доир топшириқлар, шунингдек масаланинг қонун ва қонун ости ҳужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқилган ечимлари берилган.

ББК 67.99(5У)8я73

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.

СЎЗ БОШИ

Ички ишлар органларининг амалий фаолиятига доир билимларни ўзлаштириш бевосита бўлажак ходимларнинг келгусидаги фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Биз фарзандларимизни Ватаннинг гуллаб-яшнашини, мамлакатдаги тинчликни, халқ фаровонлигини таъминлаш каби муҳим вазифаларни бажаришга қодир қилиб тарбиялашимиз, уларни ушбу мақсадларга йўналтиришимиз керак»¹.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида курсантлар томонидан ўрганиладиган ва йўналишлар бўйича соҳавий билимларни ўзида мужассамлаштирган таълим базасининг асосий қисмини махсус тайёргарлик бўйича фанлар ташкил этади. Олий курсларда мутахассислик бўйича ўқув жараёни, методик ва тарбиявий ишлар ИИВнинг таълим жараёнини ташкил қилиш тўғрисидаги меъёрий буйруқларига мувофиқ амалга оширилади.

Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларининг махсус фанлар блокига кирувчи «ИИВ томонидан белгиланган бошқа йўналишдаги хизматлар фаолияти» курси ушбу йўналиш бўйича таълим олаётган курсантлар томонидан ўрганиладиган мутахассислик ўқув курси ҳисобланади. Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган хизматларнинг тизими, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, уларда хизматни ўташ тартиби ва ички ишлар органлари хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги, шунингдек иш юритувидаги ҳужжатларнинг турлари, шакллари, уларни расмийлаштириш тартиби ҳамда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини амалиётга татбиқ этиш каби мавзулар ушбу курс орқали чуқур ўрганилади.

Ушбу ўқув-амалий қўлланма Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантларининг «ИИВ томонидан белгиланган бошқа йўналишлардаги хизматлар фаолияти» курси бўйича олган билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида тайёрланган бўлиб, унда ўқув курси дастурида белгиланган мавзуларга оид, ички ишлар органларининг соҳавий

¹ Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т., 2001. – Б. 103.

хизматлари амалий фаолиятида кўп учрайдиган масалалар ҳамда уларни ечишга доир топшириқлар, шунингдек масаланинг қонун ва қонун ости ҳужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқилган ечимлари берилган.

Ўқув-амалий қўлланма илк бор тайёрланганлиги сабабли унда айрим камчиликлар бўлиши табиий. Шу боис ўқув-амалий қўлланма юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни миннатдорлик билан қабул қиламиз.

**7-мавзу. ИИБ ТИЗИМИДА ТАШКИЛИЙ ИНСПЕКТОРЛИК
ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ**

1-масала. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ташкилий инспекторлик бўлими бошлиғи подполковник Ортиқов Асрор Эгамбердиевич ахборот-таҳлил, режалаштириш гуруҳи инспектори кичик сержант Акрамов Одил Оқиловичга туман ИИБ фаолиятининг 2012 йил 4-чораги якунлари бўйича таҳлилни тайёрлаш вазифасини юклади.

Топшириқ.

1. Ахборот-таҳлил, режалаштириш гуруҳи инспектори кичик сержант Акрамов Одил Оқилович томонидан тузиладиган жиноят ва ҳодисаларнинг таҳлили бўйича маълумотномани расмийлаштиринг.

2. 2012 йилнинг 4-чораги давомида қайд этилган жиноятлар бўйича тезкор маълумотни тузинг.

2-масала. Тошкент шаҳар ИИББ навбатчилик қисми навбатчи-ёрдамчиси сержант Бўриев Алишер Анварович 2013 йилнинг 31 январидан 1 февралига қадар навбатчи сменада ишни якунлаб, навбатчилик хизматини навбатдаги смена навбатчи-ёрдамчиси кичик сержант Олимов Соли Боқиевичга топшириш ҳамда “хизмат кўрсатиш ҳудудидаги оператив вазият бўйича маълумотнома”ни тузиш ҳақида оператив навбатчидан кўрсатма олди.

Топшириқ.

1. Навбатчилик қисми навбатчи-ёрдамчиси сержант А.А. Бўриевнинг хизмат вазифаларини кўрсатинг.

2. Навбатчиликни қабул қилиш ва топшириш бўйича билдирги ва хизмат кўрсатиш ҳудудидаги оператив вазият бўйича маълумотномани тузинг.

**9-мавзу. ИИБ ТИЗИМИДА ШАХСИЙ ТАРКИБ БИЛАН ИШЛАШ
ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ**

3-масала. 2011 йилнинг 2 июнь куни Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Қорасув 2-даҳаси, 23-уй, 18-хонадонда яшовчи фуқаро Қаршибоев Азамат Азизович Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси шахсий таркиби билан ишлаш гуруҳи инспектори кичик сержант А.А. Собировга ички ишлар органларида хизмат қилиш мақсадини билдириб мурожаат қилди.

Топшириқ.

1. Ушбу ҳолат бўйича ШТБИГ инспектори кичик сержант А.А. Собировнинг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

2. ШТБИГ инспектори томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

4-масала. Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи номига Ташкилий инспекторлик бошқармаси инспекциясининг бошлиғи лавозимида хизмат қилаётган подполковник Назаров Даврон Қаҳрамонович бошқа лавозимлардан бирига тайинлаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилди. Тошкент вилояти ИИБ ШТБИХ кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи ариза бўйича ишни ташкиллаштириш ва олиб боришни шахсий таркиб билан ишлаш гуруҳи инспектори кичик сержант Б.С. Холиқовга юклади.

Топшириқ.

1. ШТБИГ инспектори кичик сержант Б.С. Холиқовнинг хизмат вазифаларини айтиб беринг.

2. Подполковник Д. Қ. Назаровнинг хизмат фаолияти бўйича маълумотнома ва бошқа лавозимга ўтказиш тўғрисидаги тақдимномасини расмийлаштиринг.

5-масала. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳайъатининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига хизмат сафарига борувчи ходимларнинг рўйхати тасдиқланди ва уларга ўрнатилган тартибда хизмат гувоҳномасига серияли қўшимча варақа расмийлаштириб берилиши бўйича ШТБИХга вазифа юклатилди.

Топшириқ.

1. Ходимнинг хизмат гувоҳномасини расмийлаштириб бериш ва қайтариб олиш тартиби бўйича КБИБ инспекторининг вазифаларини айтинг.

2. Хизмат гувоҳномасига қўшимча варақани расмийлаштириш тартибини айтинг.

11-мавзу. ИИВ ТИЗИМИДА МОЛИЯ-ИҚТИСОД ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

6-масала. Ички ишлар органларидаги хизматни 2005 йил октябрь ойидан бошлаган, туман ИИБ ташкилий инспекторлик бўлими инспектори, катта сержант Салимов Камолиддин Шарафиддинович Тошкент шаҳар ИИББ Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғига шахсий илтимоси билан мурожаат этди. Мурожаатида ипотека кредитини олиш учун тегишли банк муассасаси маъмурияти ундан уч йиллик иш ҳақи таъминоти бўйича маълумотнома сўраганини баён қилди.

Катта сержант К. Ш. Салимовнинг мурожаати юзасидан ишни Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи меҳнатни ташкил қилиш ва иш ҳақи таъминоти бўлими (ҳисоб-китоб гуруҳи) катта инспекторига юкледи.

Топшириқ.

1. Ходимнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлари бўйича “Шахсий варақаси”да ҳисобларни амалга ошириш тартибини айтинг.

2. Ходимнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлари бўйича маълумотномани тузинг ва расмийлаштиринг.

16-мавзу. ИИВ ТИЗИМИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ - ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

7-масала. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси хизмати ходими капитан Н. Г. Ик-

ромов маъмурий ҳудудни айланиб юрган вақтда Қорасув 2-дахаси 10-уй ёнида бир номаълум вояга етмаган тахминан 14 ёшлардаги боланинг маст ҳолда юрганлигини аниқлади. Суриштирув давомида ушбу вояга етмаган шахс Қорасув 2-дахаси, 12-уй, 7-хонадонда яшовчи Н. З. Зикировнинг фарзанди Б. Н. Зикиров эканлиги, унга шу уйнинг 23-хонадоида яшовчи Р. Г. Гаипов спиртли ичимлик қуйиб берганлиги аниқланди.

Топшириқ.

1. Фуқаро Р. Г. Гаипов ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари борми, агар бор бўлса унга нисбатан қайси қонунга асосан ва қандай турдаги жавобгарликни белгилаш мумкин?

2. Ушбу ҳолат юзасидан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси хизмати ходими капитан Н. Г. Икромовнинг ҳаракатларини айтиб беринг.

8-масала. Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2011 йил 15 апрель кунидаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан иш ҳақидан давлат ҳисобига 30 фоиз ушлаб қолган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган, 1980 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, Юнусобод туман Аҳмад Дониш кўчаси, 16-хонадонда яшовчи фуқаро Хасанов Комил Жумаевичнинг ижобий хулқ-атворини ҳисобга олиб, жазони ижро этиш инспекцияси тақдимномасига кўра туман судининг ажримига асосан шартли ҳукм қўлланилиб, 2 йил синов муддати белгиланди. Ҳукм ижросини таъминлаш бўйича туман ИИБ бошлиғи жазони ижро этиш инспекцияси инспектори кичик сержант Х. Б. Холдаровга топшириқ берди.

Топшириқ. Ушбу ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар Юнусобод туман ИИБ ҲООБ жазони ижро этиш инспекцияси инспектори кичик сержант Х. Б. Холдаровнинг ҳаракатларини кўрсатинг.

9-масала. Тошкент шаҳар Ҳамза туман судининг 2009 йил 3 март кунидаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги учун 1976 йилда туғилган шу туманнинг 15-дахаси, 30-хонадоида яшовчи фуқаро С. Г. Маматовга 2 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Ҳукм нусхаси туман ИИБ ҲООБ жазони иж-

ро этиш инспекциясига юборилди. Туман судининг ҳукм ижросини таъминлаш учун туман ИИБ бошлиғи жазони ижро этиш инспекцияси инспектори кичик сержант А. Д. Омоновга топшириқ берди.

Топшириқ. Тошкент шаҳар Ҳамза туман ИИБ ҲООБ жазони ижро этиш инспекцияси инспектори кичик сержант А.Д. Омоновнинг ҳаракатларини кўрсатинг.

10-масала. Тошкент шаҳрида 1976 йилда туғилган, Чилонзор тумани Доғистон кўчаси, 61-уйда яшовчи, фуқаро Ҳакимов Эргаш Кимсанович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан Чилонзор туман судининг 2010 йил 25 апрелдаги ҳукмига асосан иш ҳақидан давлат ҳисобига 25 фоиз ушлаб қолиш шарти билан бир ярим йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган. Бу жазони у Тошкент Тўқимачилик фабрикасида, яъни аввалги иш жойида ўташи лозим эди. Чилонзор тумани ИИБ жазони ижро этиш инспекцияси инспектори катта сержант Н. К. Рахимов ҳукмнинг нусхасини олгандан сўнг ИИБ раҳбарияти номидан маълумот тайёрлади ва уни ҳукм нусхаси билан биргаликда Тошкент Тўқимачилик фабрикаси директорида жўнатди. Ушбу хатида у фуқаро Э. К. Ҳакимовнинг бир ярим йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганлиги, унинг иш ҳақидан бухгалтерияда давлат фойдасига ўтказиш учун 25 фоиз сақлаб қолиши кераклигини маълум қилган. Ахлоқ тузатиш ишларини ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида маҳкум таништирилиб имзо қўйдириб олинган бўлса-да, фуқаро Э. К. Ҳакимов 2009 йил 18 декабрда ишга чиқмади. Унинг яшаш жойи текширилганда ҳам унинг йўқлиги аниқланди.

Топшириқ. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ ҲООБ жазони ижро этиш инспекцияси инспектори кичик сержант Н. К. Рахимовнинг фуқаро Э. К. Ҳакимовни топиш бўйича дастлабки кидирув тадбирларини амалга ошириш борасидаги ҳаракатларини кўрсатинг.

11-масала. Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ ҲООБ 24-сонли МТП профилактика инспектори капитан Ш. Р. Бобожонов шу туман Жарариқ кўчаси, 14-уй, 25-хонадонда истиқомат қилувчи, 1971 йилда туғилган, маъмурий назорат остида турувчи, муқаддам судланган Рахимов Азиз Маҳкамбоевич суд томонидан тунги соат 22⁰⁰ дан кейин яшаш манзилидан чиқиш тақиқланганига қарамай,

2011 йилнинг 30 апрель куни кечки соат 23³⁰ да “Саодат” ресторанида ўтирганлигини кўриб, у томонидан маъмурий назорат қондаси бузилганлигини аниқлади.

Топшириқ.

1. Фуқаро А. М. Раҳимов ўз ҳаракатлари билан қайси ҳуқуқбузарликни содир этганини айтиб беринг. Ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, маъмурий жазо тайинлашга ким ҳақли эканини аниқланг.

2. Бундай ҳолатда Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ ҲООБ МТП профилактика инспектори капитан Ш. Р. Бобожоновнинг қонуний ҳаракатларини кўрсатинг.

12-масала. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Қорасув 2-дахаси, 14-уй, 8-хонадонда яшовчи, 1985 йилда туғилган, фуқаро Т. О. Олимбоев 2011 йилнинг 26 март куни Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори капитан Ш. А. Равшановга келиб учрашиб узоқ муддатга Россия Федерацияси давлатига ишга кетаётганлиги ҳақида мурожаат қилди.

Топшириқ. Ушбу ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори капитан Ш. А. Равшановнинг ҳаракатларини кўрсатинг.

13-масала. Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2003 йил 12 мартдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 155-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги учун 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, 1982 йилда туғилган, Юнусобод туман “Наврўз” маҳалласи 30-уйда яшовчи, фуқаро К. Р. Саидов 2010 йилнинг 10 март куни 1-сонли жазони ижро этиш муассасасидан жазо муддатини ўтаб қайтиб келганлиги тўғрисида Тошкент шаҳар Юнусобод туман ИИБ ҲООБ профилактика инспектори майор Т. О. Ҳамидов туман Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматидан хабар олди.

Топшириқ. Тошкент шаҳар Юнусобод туман ИИБ ҲООБ профилактика инспектори майор Т. О. Ҳамидовнинг ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда кўрсатинг.

14-масала. 2011 йил 21 март куни тахминан соат 17⁰⁰ да Юнусобод тумани ИИБ навбатчилик қисмига шу туманнинг 11-дахаси, 20-уй, 12-хонадонда яшовчи, 1978 йилда туғилган, фуқаро Ахмедова Саида Оқиловна телефон орқали мурожаат қилиб, турмуш ўртоғи Ахмедов Солибой Шеровични ён қўшниси 14-хонадонда яшовчи, 1973 йилда туғилган Акмал исмли шахс томонидан калтакланганлигини, натижада олган тан жароҳати бўйича тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун 9-сонли марказий шифохонага ётқизилганлиги тўғрисида хабар қилди.

Топшириқ.

1. Ушбу ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ навбатчилик қисми навбатчиси майор Т. Б. Акрамбоевнинг ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда кўрсатинг.

2. Бундай ҳолатда ҳудуд профилактика инспектори майор А. В. Сарабоевнинг қонуний ҳаракатлар кетма-кетлигини айтиб беринг.

15-масала. Юнусобод тумани «Бободехқон» маҳалласида яшовчи, 1966 йилда туғилган, фуқаро Холиқов Ҳамдам Валиевич Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги учун унга 2013 йил 10 январь куни туман жиноят ишлари бўйича судининг ҳукми билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Суднинг ҳукмини олган Юнусобод тумани ИИБ ҲООБ жазони ижро этиш инспекцияси инспектори кичик сержант В. Ю. Пармонов 2013 йил 15 январь куни фуқаро Холиқов Ҳамдам Валиевичнинг хонадонига бориб, у билан бирга яшовчи турмуш ўртоғи С. М. Холиқовдан эрини сўраганида турмуш ўртоғи Ҳ. В. Холиқов 2013 йил 11 январь кунидан буён уйига келмаётганлигини, унинг қаердалигини билмаслигини айтди.

Топшириқ. Бундай ҳолатда Юнусобод тумани ИИБ ҲООБ жазони ижро этиш инспекцияси инспектори кичик сержант В. Ю. Пармоновнинг ҳаракатларини мантиқий изчилликда айтиб беринг.

19-мавзу. ИИВ ТИЗИМИДА ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

16-масала. Техник қўриқлаш пункти қўриқловдаги Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув 3-дахаси, 14-уй, 8-хонадондан ташвиш хабари техник қўриқлаш пунктига келиб тушди. Техник қўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи ташвиш хабари бўйича Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув 3-дахаси, 14-уй олдига келиб автоуловдан тушди ва 8-хонадонни текшириш мақсадида зина орқали кўтарилаётган вақтда ўзини Дурдона Алиева деб таништирган шахс шаҳарга меҳмон бўлиб келганлиги учун адашиб қолганлигини ва Қорасув 3-дахаси, 17-уй қаерда жойлашганлигини техник қўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи сардори сафдор С. Г. Ортиқовдан сўради. Сафдор С. Г. Ортиқов Қорасув 3-дахаси 17-уй қаерда жойлашганлигини Дурдона Алиевага қисқа тарзда тушунтириб берди ва ўз хизмат вазифасига кўра яна ҳаракатини давом эттирди.

Топшириқ.

1. Техник қўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи сардори сафдор С.Г. Ортиқовнинг ҳаракатлари тўғрими?

2. Бундай ҳолатда техник қўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи сардори сафдор С.Г. Ортиқов қандай ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

17-масала. Қўриқланаётган объектдан, яъни «Навоий азот» корхонасидан 2011 йилнинг 11 январь куни соат 18⁰⁰ларда фуқаро Н.Н. Искандаров томонидан ҳеч бир ҳужжатсиз товар-моддий бойликлар олиб чиқиб кетилаётганлиги аниқланди.

Топшириқ.

1. Қўриқлаш хизмати ходимларининг қонуний ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

2. Бундай ҳолатда қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларни айтинг.

18-масала. Техник қўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи 2011 йилнинг 7 февраль куни кечки соат 19⁴⁰да радиоалоқа воситаси орқали, Техник қўриқлаш пункти бошқарув пульти

навбатчисидан зудлик билан омонат кассасига етиб бориши, қўриқланаётган объектда қўриқлаш «Ташвишгоҳи» ишлаб кетганлиги ҳақида хабар олди.

Топшириқ.

1. Ушбу ҳолат юзасидан тезкор ҳаракатланувчи гуруҳнинг ҳаракатларини кўрсатинг.
2. Тезкор ҳаракатланувчи гуруҳ томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларни айтинг.

19-масала. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Аҳмад Дониш кўчаси, 6-уй, 45-хонадонда яшовчи, 1978 йилда туғилган фуқаро Аҳмедов Аброр Асрорович ўз хонадонини қўриқлаш хизматига топшириш мақсадида туман ИИБга ариза билан мурожаат қилди.

Топшириқ.

1. Бундай ҳолатда туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими техник қўриқлаш пункти бошлиғининг қонуний ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.
2. Фуқаро Аҳмедов Аброр Асроровичнинг хонадонини қўриқлашга қабул қилишда расмийлаштириладиган ҳужжатларни айтинг.

21-мавзу. ИИБ ТИЗИМИДА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ - ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

20-масала. 2012 йилнинг 5 июнь куни фуқаро А. А. Акрамов ўз бошқарувидаги «Lacetti» русумли, давлат рақам белгиси 01 А 686 ВВ бўлган автомашинада Тошкент шаҳар Муқимий кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётганида светофорнинг оғоҳлантирувчи сариқ чироғи ёнганда чорраҳадан ўтиб йўл ҳаракати қондасини бузганлиги учун йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант Н.Тўхтаев томонидан тўхтатилиб, қоидабузар билан суҳбат пайтида у инспекторга нисбатан қўпол муносабатда бўлиб инспекторнинг тушунтиришларини эшитмасдан, жанжал келтириб чиқаришга ҳаракат қилди.

Топшириқ. Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

21-масала. 2012 йил 25 август куни Тошкент – Термиз М–39 автомобиль йўлида ҳайдовчи Амиров Абдуқаюм Абдурайимович ўз бошқарувида бўлган «Spark» русумли, 01K505AA давлат рақамли транспорт воситасида ҳаракатланиб, юқори тезлик 70 км белгиланган жойда 140 км тезликда ҳаракатланиб келди. Йўл-патруль хизмати инспектори сержант Б. Отажонов тезликни «Визирь» аппаратида ўлчаб ҳайдовчини тўхтатди ва унинг ҳужжатларини текшираётган пайтда суғурта полисининг йўқлигини ҳам аниқлади.

Топшириқ. Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

22-масала. 2012 йил 26 июнь куни йўл-патруль хизмати инспектори кичик сержант А. Худоёров Тошкент шаҳар кичик ҳалқа йўлида ўз хизмат вазифасини ўтаётганида унинг ёнига бир фуқаро келиб ҳозиргина машинасини номаълум шахслар ўғирлаб кетганлигини маълум қилди.

Топшириқ. Йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

26-мавзу. ТАБИЙ ОФАТЛАР ВА ТЕХНОГЕН ҲАЛОКАТЛАР ШАРОИТИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

23-масала. 2013 йилнинг 19 март куни соат 14⁴⁰ларда Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИБ ҲООБ 36-сонли МТП профилактика инспектори капитан А. А. Қосимовга Олмазор тумани А. Навоий кўчаси, 14-хонадонда яшовчи, 1968 йилда туғилган фуқаро Л. А. Комилов мурожаат этиб, шу куни соат 14³⁵ларда кузатилган зилзила туфайли уларнинг кўчасида жойлашган 20-сонли болалар боғчасининг ҳовлисида жойлашган спорт майдончаси айвонлари қулаганлиги ва ушбу болалар боғчаси асосий биноси ҳам жиддий зарар кўрганлиги, унинг ичида эса ёш болалар қолиб кетганлиги тўғрисида хабар берди.

Топшириқ. Ушбу ҳолатда Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИБ ҲООБ 36-сонли МТП профилактика инспектори капитан А. А. Қосимов амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатларни кетма-кетликда кўрсатинг.

24-масала. 2013 йилнинг 15 март куни соат 16⁰⁰ларда Тошкент вилояти Пискент тумани ИИБ ҲООБ 167-сонли МТП профилактика инспектори капитан Н. Б. Раҳимовга Пискент тумани Ватанпарвар кўчаси, 114-хонадонда яшовчи, 1977 йилда туғилган, туман Халқ таълими бўлими 22-сонли ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлайдиган фуқаро Л. С. Зунунова телефон орқали мурожаат этиб, у ишлайдиган мактаб биносида ёнғин содир бўлганлиги, ҳодиса ҳақида ўт ўчириш хизматига хабар берилганига қарамай уларнинг етиб келмаганлиги ҳақида хабар бериб, ёрдам сўради.

Топшириқ. Ушбу ҳолат юзасидан Тошкент вилояти Пискент тумани ИИБ ҲООБ 167-сонли МТП профилактика инспектори капитан Н. Б. Раҳимовнинг ҳаракатларини кетма-кетликда кўрсатинг.

27-мавзу. ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

25-масала. 2012 йилнинг 30 сентябрь куни Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Аҳмад Югнакий даҳасида жойлашган 242-сонли ўрта мактаб ҳовлисида «1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни» муносабати билан байрам тадбири ўтказилиши режалаштирилган. Шу муносабат билан мактаб директори Исроилова Лола Махмудовна ҳудуд профилактика инспектори майор А.А. Валиевга мурожаат қилиб, тадбир вақтида жамоат тартибини сақлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатишини сўради.

Топшириқ. Ушбу ҳолат юзасидан ҳудуд профилактика инспекторининг ҳаракатларини айтиб беринг.

26-масала. 2013 йил 20 март куни соат 9⁰⁰да Тошкент вилояти Чирчиқ тумани марказида жойлашган спорт майдонида “Наврўз” умумхалқ байрамига бағишланган тадбир ўтказилиши режалаштирилган. Туман ИИБ бошлиғи подполковник А.А. Юнусов хизмат бўйича ўринбосари майор К. С. Бакировга ички ишлар органлари соҳавий хизматларидан зарур кучларни жалб қилган ҳолда байрам тадбири давомида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир ишни ташкил этиш бўйича кўрсатма берди.

Топшириқ. Ушбу ҳолатда майор К. С. Бакировнинг вазифалари кетма-кетлигини айтиб беринг.

Ж А В О Б Л А Р

1-масаланинг жавоби:

Ахборот-таҳлил, режалаштириш гуруҳи инспектори кичик сержант Акрамов Одил Оқилович жиноят ва ҳодисаларнинг таҳлили бўйича маълумотномани тузиш ва расмийлаштириш учун қуйидаги ишларни бажаради:

– ички ишлар органларида қўлланиладиган «таҳлилий иш»нинг асосий қоидалари ва тамойилларига риоя этади;

– ички ишлар органларидаги таҳлилий ишни мазмуни бўйича ҳуқуқий тартибнинг аҳволи ва ички ишлар органлари амалий фаолиятининг натижалари ҳақидаги, шунингдек ушбу фаолият кечаётган ташқи муҳит шароитларига доир ахборотни ўрганади ва баҳолайди;

– ҳуқуқий тартибнинг аҳволи ва ички ишлар органлари амалий фаолиятига сабабий алоқадор жиноят ва ҳодисаларни аниқлашга қаратилган тадқиқот ва билиш фаолиятини амалга оширади.

2012 йилнинг 4-чораги давомида қайд этилган жиноятлар бўйича тезкор маълумотни тузиш учун қуйидагилар амалга оширилади:

– узоқ вақт (5–15 йил) давомидаги ҳуқуқбузарликларнинг тамойиллари, уларни келтириб чиқарувчи омиллар ва ички ишлар органларининг фаолияти бўйича таҳлил ҳужжатларини ўрганади;

– оператив вазиятни комплекс таҳлил этиш (чорак йил, ярим йил, 9 ой ва бир йил) бўйича ҳужжатларни ўрганади;

– оператив вазиятнинг жорий (узлуксиз) таҳлили (суткалик, 10 кунлик ва бир ойлик ахборотни баҳолаш асосида амалга оширилади) бўйича ҳужжатларни ўрганади;

– ҳуқуқий тартибнинг аҳволи ва ички ишлар органларининг фаолиятидаги айрим муаммоларни жузъий таҳлил қилиш бўйича ҳужжатларни ўрганади;

– 2012 йилнинг 4-чораги давомида Мирзо Улуғбек туманида содир этилган жиноятларнинг кўрсаткичларини таққослайди.

2-масаланинг жавоби:

Навбатчилик қисми навбатчи-ёрдамчиси сержант Бўриев Алишер Анваровичнинг хизмат вазифалари қуйидагилардан иборат:

– хизмат кўрсатиш ҳудудида оператив вазият ҳақида маълумотларни дарҳол ўрнатилган тартибда қабул қилиш, тўплаш ва уларни

ойдинлаштириш ва ички ишлар органлари раҳбарларига ахборот бериш, тегишли жойларга хабарнома бериш, шунингдек бу маълумотларни белгиланган тартибда юқори ички ишлар ҳамда ҳокимият органларига узатиш;

– фавқулодда ҳодисалар содир бўлган вақтда (оғир жиноятлар, оммавий тартибсизликлар, табиий офатлар, техноген ҳалокатлар ва ҳоказо) ички ишлар органи куч ва воситаларини оператив бошқарувини таъминлаш;

– содир этилган жиноятларни изи йўқолмасдан очилишини таъминлаш мақсадида воқеа жойига тергов-тезкор гуруҳини ўз вақтида тўлиқ таркибда чиқариш ҳамда воқеа жойидан яширинган жиноятчиларнинг қидирувини ташкил этиш;

– шахсий таркибнинг жанговар шайлигини ва барча соҳа хизматларининг ҳамкорлигини таъминлаш;

– ички ишлар идораси маъмурий биноси, маъмурий ҳудуди ва унга туташ бўлган ҳудудларда ҳаракатларнинг кузатувини олиб бориш ҳамда мудофаасини ташкил этишни назорат этиш;

– кеча-кундуз хизматга тушаётган соҳавий хизмат ходимларини, шунингдек фавқулодда ҳолатларда шахсий таркибни табел қуроли ва махсус воситалар билан таъминлаш;

– ички ишлар идораси жанговар байроғини сақлаш;

– навбатчилик қисми ҳисобида турувчи моддий жиҳозлар (хизмат ҳужжатлари, техника воситалари, махсус воситалар, қурол-яроғ ва ҳоказо)ни сақлаш;

– ушланган ва ички ишлар идорасига олиб келинган шахслар билан муҳокама ишларини ташкил этиш;

– ҳибсга олинган ва ушлаб турилганларни сақлаш ва кузатишни ўз ваколатлари доирасида назорат қилиш.

Навбатчилиқни қабул қилиш ва топшириш бўйича билдирги тузишда қуйидагиларга риоя этилади:

– билдиргида сутка давомида рўйхатга олинган ариза ва хабарларнинг жами сони, шунингдек жиноят иши қўзғатилганлари, ёки рад этилганлари, иссиқ изидан очилганлари, жиноятни содир этишда аниқланиб, ИИБга олиб келинган шахслар сони, улардан вояга етмаганлар сони алоҳида-алоҳида кўрсатилади;

– “маъмурий тартибда ушланганлар хонаси”, “вақтинча сақлаш ҳибсхоналари”, “Иш ва яшаш жойи ноаниқ бўлган шахсларни реабилитация этиш маркази”да сақланаётган шахслар ҳақида ахборот беради;

– билдиргида маъмурий ҳуқуқбузарлик учун олиб келинган шахсларни МЖТК моддаларига кўра тоифалаган ҳолда қайд этади;

– оператив вазиятнинг мураккаблашувига сабаб бўлиши мумкин бўлган воқеалар, фактлар; ички ишлар органи ходимлари томонидан қонунчилик, хизмат интизомининг бузилиши; алоқа воситалари, махсус техника ва ҳоказоларнинг бузилганлиги ва маълум қилиниши керак бўлган бошқа ҳолатларни баён этади;

– навбатчилик қисмидаги моддий-техник воситалар рўйхат бўйича топширилгани ҳақида ахборот беради;

– раҳбариятдан масъул ёки бошқа ваколатли текширувчининг фикр ва мулоҳазалари, эътирозларини раҳбарга етказди.

Хизмат кўрсатиш ҳудудидаги оператив вазият бўйича маълумотномани тузиш учун қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади.

– хизмат кўрсатиш ҳудудидаги оператив вазиятни ўрганади ва баҳолайди;

– туман ИИБ томонидан оператив вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш учун амалга оширилган махсус тадбирлар («тун», «ўсмир» ва бошқ.)нинг таҳлилини баён қилади.

3-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолат бўйича ШТБИХ инспектори кичик сержант А.А. Собиров қуйидагиларни амалга оширади:

– фуқаро билан суҳбат ўтказди;

– ўрнатилган тартибда ариза олади;

– фуқарога олиб келинадиган ҳужжатлар рўйхатини беради.

Фуқаро Қаршибоев Азамат Азизович қуйидаги ҳужжатларни олиб келади:

– таржимаи ҳол (бланкада қўл ёки компьютерда ёзилгани);

– яқин қариндошлари ҳақида маълумот(бланкда);

– 2 дона 9х12см, 4 дона 3х4см рангли сурат;

– паспортнинг 2,3,8-бетларидан ксеронусхаси;

– туғилганлик тўғрисида гувоҳноманинг ксеронусхаси;

– шаҳодатнома ёки дипломнинг ксеронусхаси;

– ота-онасининг никоҳ гувоҳномаси ксеронусхаси;

– яқин қариндошларининг паспортлари ксеронусхаси ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳномаларининг ксеронусхаси;

– турар жойидан маълумотнома (уйда бирга яшайдиганларни кўрсатган ҳолда);

– 3 та қўшнидан фикрнома;

- маҳалла кўмитасидан тавсифнома;
- ўқиш жойидан маълумотнома ва тавсифнома(агар ўқиётган бўлса);
- ўқиётган бўлса коллеж охириги чорак баҳолари тўғрисидаги синов дафтарчасининг ксеронусхаси;
- ишлаётган бўлса иш жойидан тавсифнома, маълумотнома ҳамда меҳнат дафтарчасининг ксеронусхаси;
- ҳарбийга чақирув гувоҳномаси (ҳарбий гувоҳнома) ва унинг ксеронусхаси;
- ҳарбий хизматда бўлган бўлса “Хизмат тавсифномаси”;
- ота-онасининг розилик хати;
- уйланган бўлса никоҳ гувоҳномасининг ксеронусхаси;
- оилада вафот этганлар ва ногиронлар бўлса улар гувоҳномасининг ксеронусхаси.

4-масаланинг жавоби:

ШТБИГ инспектори кичик сержант Б.С. Холиқов қуйидаги хизмат вазифаларини бажаради:

- кадрларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдини юритади;
- ходимларнинг касбий фаолиятига оид жараёнларни ҳужжатлаштириш ишларини ташкил этади;
- кадрларнинг касбий ўзагини сақлаб қолиш бўйича раҳбариятга таклифлар киритади.

Подполковник Д. Қ. Назаровнинг хизмат фаолияти бўйича маълумотномасида қуйидаги маълумотларни қайд этади:

- номзод ҳар томонлама ўрганиб чиқилганидан сўнг, унинг маълумоти, иш стажи, тажрибаси, ташкилотчилик, раҳбарлик қобилияти, билим савияси, маънавий етуклиги, касбий ва шахсий фазилатлари;

– номзоднинг ички ишлар органларидаги касбий фаолияти даврий кетма-кетликда;

- раҳбар кадрлар захирасига олинганлиги.

Подполковник Д.Қ. Назаровни бошқа лавозимга ўтказиш тўғрисидаги такдимномада қуйидаги маълумотларни қайд этади:

- эгаллаб турган лавозими ва ўтказилиши режалаштирилаётган бошқа лавозим;

– номзод ҳар томонлама ўрганиб чиқилганидан сўнг, унинг маълумоти, иш стажи, тажрибаси, ташкилотчилик, раҳбарлик

қобилияти, билим савияси, маънавий етуклиги, касбий ва шахсий фазилатлари;

– номзоднинг ички ишлар органларидаги касбий фаолияти даврий кетма-кетликда .

5-масаланинг жавоби:

Ходимнинг хизмат гувоҳномасини расмийлаштириб бериш ва қайтариб олиш тартиби:

– хизмат гувоҳномаси ички ишлар органлари ходимининг шахси, лавозими, унвони, бириктирилган табел қуролини олиб юриш ва сақлаш, ички ишлар идоралари маъмурий бинолари ва ҳудудига кириб-чиқиш ҳуқуқини тасдиқловчи, амалдаги қонунлар асосида хизмат вазифаларини бажариши учун ваколат берувчи қатъий ҳисобдаги расмий хужжат ҳисобланади;

– хизмат гувоҳномаси ходим лавозимга тайинланганда, унинг хизмат жойи, унвон даражаси ўзгарганида, илгари олган гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаганда ёки яроқсиз ҳолга келганида, ИИВнинг ҳаракатдаги резервга ўтказилганлиги ҳақидаги буйруқ имзоланганда, шунингдек йўқотилган хизмат гувоҳномаси бўйича хизмат текшируви ўтказилиб, ваколатли раҳбарлар томонидан тасдиқлангандан сўнг расмийлаштирилиб берилади;

– хизмат гувоҳномасини олиши лозим бўлган ходим ШТБИХ кадрлар билан ишлаш бўлимига (хизмат кураторига) 3x4 ўлчамдаги (2 дона) рангли фотосуратни топширади;

– кадрлар билан ишлаш бўлими ходими томонидан махсус Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ маълумотнома тўлдирилади ва ходимнинг фотосурати билан биргаликда хизмат гувоҳномасини расмийлаштириш учун масъул ходимга топширилади, хизмат гувоҳномасига ходимнинг унвони, тўлиқ фамилияси, исми ва шарифи, лавозими, шахсий рақами, берилган вақти ва амал қилиш муддати ёзилади.

– хизмат гувоҳномасига ваколатли раҳбар томонидан имзо қўйилганидан сўнг, фотосуратнинг пастки чап бурчагига ва имзо қўйилган қисмининг ўнг бурчагига Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган муҳр (пресс билан) босилади;

– тайёр бўлган хизмат гувоҳномаси «Ички ишлар идоралари ходимларига расмийлаштириб берилган хизмат гувоҳномаларини рўйхатга олиш ва назорат қилиш» инвентар китобига (Йўриқномага 4-илова) рўйхатга олинади;

– ходим хизмат гувоҳномасини олганлиги тўғрисида имзо қўйгандан сўнг, хизмат гувоҳномаси берилади;

– хизмат гувоҳномаларини рўйхатга олиш ва назорат қилиш инвентар китоби офицерлар таркиби учун алоҳида, сержант ва сафдорлар таркиби учун алоҳида юритилади (гувоҳномаларнинг рақамлари ҳам алоҳида-алоҳида тартибда берилади);

– Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларига хизмат гувоҳномаси 3 йил муддатга, Ўзбекистон Республикаси ИИВдан юборилган, Россия Федерацияси ИИВ олий таълим муассасаларида ўқиётган тингловчиларга 5 йил муддатга, ИИВ Академияси ва Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг тингловчи ва курсантларига 4 йил муддатга расмийлаштирилиб берилади.

Хизмат гувоҳномасига қўшимча варақани расмийлаштириш тартиби:

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига хизмат сафарига борувчи ходимларга ўрнатилган тартибда хизмат гувоҳномасига махсус Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ В-I ва В-II серияли қўшимча варақа расмийлаштириб берилади;

– хизмат гувоҳномасига қўшимча варақа қора рангли ручка билан қўлда тўлдирилади ва ҳимоя плёнкаси билан (ламинация) қопланади;

– В-I серияли қўшимча варақа ички ишлар вазири, В-II серияли қўшимча варақа ички ишлар вазирининг ўринбосари – ШТБИХ бошлиғи (уларнинг узоқ вақт йўқлигида ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари – ЖК ва ТҚКББ бошлиғи) томонидан имзоланади;

– қўшимча варақа ходимнинг хизмат гувоҳномасидаги ёзувлар асосида инглиз тилида, орқа қисми эса рус тилида тўлдирилади;

– қўшимча варақага ходимнинг хизмат гувоҳномаси рақами ёзиб берилади ва хизмат гувоҳномасиз ҳақиқий ҳисобланмайди, қўшимча варақада ходимнинг фотосурати бўлмайди, унинг амал қилиш муддати эса хизмат гувоҳномасининг амал қилиш муддати билан бир хил қилиб белгиланади.

6-масаланинг жавоби:

– ходимнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлари бўйича “Шахсий варақаси” бухгалтерия ҳисобида тузиладиган, формал риквитли, жадвал шаклидаги хизмат хужжатидир, унда ички ишлар идоралари хизматига аттестация тартибида қабул қилинган барча сафдор, сержант ва офицер ходимларнинг уч йиллик даврдаги иш ҳақи ва бошқа турдаги тўловлари бўйича маълумотлар қайд этилади;

– ходимнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлари бўйича “Шахсий варақаси”ни тузишга асос бўлиб, уни ички ишлар идораларининг штат бирлигига кирувчи лавозимга тайинлаш тўғрисидаги иш берувчи (орган бошлиғи)нинг шахсий таркиб бўйича буйруғи ҳисобланади;

– ходимнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича “Шахсий варақаси”ни молия-иқтисод хизмати инспекторлари қўл ёки компьютерда тўлдиради ва юритади.

Ходимнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича “Шахсий варақаси”да қуйидаги риквизитлар қайд этилади:

1) ходимнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича “Шахсий варақаси”нинг тартиб рақами;

2) ходимнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб даври;

3) ходимнинг фамилияси, исми шарифи;

4) туғилган йили;

5) ходим хизмат қилаётган идора ва таркибий тузилманинг номи;

6) ходим хизматини кўчирган бўлса аввалги идора ва таркибий тузилманинг номи, хизматга қабул қилинган сана ва жорий йилнинг 1 январига кўра хизмат йилларининг календарь ҳисоби (йил, ой ва куни кўрсатилади), юбориш тўғрисидаги буйруғи рақами, санаси ва пул тўлов аттестати рақами, уни олган сана;

7) ходимнинг хизмат йиллари учун кўшимча тўловнинг ўрнатилган фоизи;

8) ходимнинг фарзандлари ва уларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома рақами;

9) унвони, уни олган санаси ва буйруқ рақами;

10) ходимнинг хизмат вазифасига киришиши бўйича жадвал;

11) меҳнат таътилига чиққан санасининг ҳисоби, буйруқ рақами ва санаси;

12) ички ишлар органидан бўшатиш буйруқ рақами, санаси ва сабаби;

13) ходимнинг иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг ҳисобот давридаги биринчи йил бўйича жадвали;

14) ходимнинг иш ҳақи ва бошқа тўловларининг ҳисобот давридаги иккинчи йил бўйича жадвали;

15) ходимнинг иш ҳақи ва бошқа тўловларининг ҳисобот давридаги учинчи йил бўйича жадвали.

Ходимнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлари бўйича маълумотномани тайёрлашда қуйидаги ишлар бажарилади:

– ходимнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлари бўйича “Шахсий варақа”си олиниб қайдлар ўрганилади;

– ҳисоб давридаги иш ҳақи, мукофот пули ва бошқа тўловлар маълумотномага кўчирилади;

– маълумотномани тасдиқлаш ва расмийлаштириш учун бош бухгалтер ва идора раҳбарига тақдим этади.

7-масаланинг жавоби:

1. Ушбу ҳолатда фуқаро Р. Г. Гаипов ўз ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 188-моддаси 1-қисмида кўрсатилган қонидани бузган.

2. Ушбу ҳолатда капитан Н. Г. Икромов қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

– вояга етмаган Б. Н. Зикировни МТПга олиб келади;

– вояга етмагanning ота-онасини МТПга чақиради ва улардан тушунтириш хати олади;

– вояга етмагanning ота-онасини Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-моддасига биноан расмий равишда огоҳлантиради;

– фуқаро Р. Г. Гаиповни маҳалла посбони билан биргаликда МТПга олиб келади ва уни ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун МТПга олиб келинганларни қайд этиш китобидан рўйхатдан ўтказди;

– фуқаро Р. Г. Гаиповдан тушунтириш хати олади (Ўз. Р. МЖТКнинг 294-моддасига асосан);

– Ахборот марказига талабнома юборади;

– манзил-маълумотлар бюросидан сўровнома ва маълумотнома олади;

– иш ва яшаш жойидан тавсифнома ва маълумотнома олади;

– маъмурий баённома тузади;

– туман ИИБ бошлиғига билдирги орқали маълум қилади;

– кузатув хати орқали тўпланган ҳужжатларни туман жиноят ишлари бўйича судининг маъмурий ишлар судьясига юборади.

8-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолатда кичик сержант Х. Б. Холдаров қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- ҳукм нусхасини котибиятдан имзо қўйиб олади;
- маҳкумни махсус китобдан рўйхатдан ўтказди;
- маҳкумга нисбатан шахсий йиғмажилд юритади;
- маҳкумни жазони ўташ тартиби ва шартлари билан таништиради;
- маҳкумдан тушунтириш хати олади;
- маҳкумни ишга жойлашиши тўғрисида огоҳлантиради;
- маҳкумни туман ИИБга чақириб жамиятга зид хатти-ҳаракат содир этмаслиги тўғрисида расмий равишда огоҳлантиради;
- маҳкумни иш жойидан текшириб туради;
- маҳкумни яшаш жойида назоратни амалга ошириш учун ҳудуд профилактика инспекторига маълумот юборади;
- ИИБ бошлиғига билдирги орқали қилинган ишлар бўйича маълум қилади.

9-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолатда кичик сержант А. Д. Омонов қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- ҳукм нусхасини котибиятдан имзо қўйиб олади;
- маҳкумни махсус китобдан рўйхатдан ўтказди;
- маҳкумга нисбатан шахсий йиғмажилд юритади;
- судга хабарнома юборади;
- ХЧК ва ФРБга қўриқчи варақаси юборади;
- Ахборот марказига талабнома юборади;
- маҳкумни жазони ўташ тартиби ва шартлари билан таништиради;
- маҳкум ишлаётган корхона директорига ҳукм ижросини таъминлаш бўйича хабарнома юборади;
- ишдан бўшатирилганлиги ҳақида буйруқдан нусха олади;
- маҳкумни яшаш жойида назоратни амалга ошириш учун ҳудудий профилактика инспекторига маълумот юборади;
- туман ИИБ бошлиғига билдирги орқали қилинган ишлар бўйича маълум қилади.

10-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолатда катта сержант Н. К. Рахимов томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- фуқаро Ҳакимов Эргаш Кимсановичнинг оила аъзоларидан тушунтириш хатлари олинди, яқин қариндошлари аниқланади;

- маҳкумнинг яқин қариндошларидан сўров ўтказилиб, тушунтириш хатлари олинади;
- иш ва турар жойи ноаниқ бўлган шахсларни реабилитация қилиш марказини, ўликхона (морг)ни ва бошқа тиббий муассасаларни текширади;
- Ахборот марказидан маълумотнома олади;
- фуқаро Ҳакимов Эргаш Кимсановичнинг яқин қариндошлари ва танишлари истиқомат қилаётган жойдаги ИИБларга сўров юборади;
- вақтинча ушлаб туриш ҳибсхоналарини, маъмурий қамокқа олиш муассасаларини текширади;
- олинган маълумотларни ва жавобларни йиғмажилдга тикиб қўяди;
- агар ушбу амалга оширилган тадбирлар натижасиз бўлиб чиқса, ундай ҳолда жазони ижро этиш инспекцияси унга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида билдирги орқали мурожаат қилади.

11-масаланинг жавоби:

1. Фуқаро А.М. Раҳимов ўз ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 206-моддасида назарда тутилган (Маъмурий назорат қоидаларини бузиш) ҳуқуқбузарликни содир этган. Ушбу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатларини кўриб чиқиш ҳамда тегишли маъмурий жазо тайинлаш ваколати туман, шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг маъмурий ишлар бўйича судьясига берилган.

2. Ушбу ҳолатда 24-сонли МТП профилактика инспектори капитан Ш. Р. Бобожонов қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- фуқаро А. М. Раҳимов ва холислардан тушунтириш хатлари олади;

- ҳолат бўйича ахборот бериш билан бирга, фуқаро А. М. Раҳимовга нисбатан тегишли қонуний чора кўришга рухсат сўраб туман ИИБ бошлиғи номига билдирги ёзади;

- фуқаро А. М. Раҳимовга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича зарур ҳужжатларни тўплайди, хусусан Ахборот марказига талабнома ёзиш орқали унинг муқаддам судланганлиги, илгари маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ёки йўқлигига ойдинлик киритади, унинг яшаш жойидан маълумотнома ва тавсифнома, иш жойидан тавсифнома олади;

- ушбу ҳолат бўйича МЖТКнинг 206-моддаси бўйича маъмурий баённома тузади;

- содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатларини кўриб чиқиш ҳамда тегишли маъмурий жазо тайинлаш учун

кузатув хати орқали туман жинойт ишлари бўйича судининг маъмурий ишлар бўйича судьясига юборади.

12-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолатда профилактика инспектори капитан Ш. А. Равшанов қуйидагиларни амалга оширади:

– фуқаро Т. О. Олимбоевдан Россия Федерациясига нима мақсадда, қанча муддатга, ким билан кетаётганлигини аниқлашга қаратилган ва бошқа саволларга аниқлик киритган ҳолда тушунтириш хати олади;

– ҳолат юзасидан фуқаро Т. О. Олимбоевнинг яқин қариндошларидан тушунтириш хати олади;

– фуқаро Т. О. Олимбоевнинг яшаш жойидан тавсифнома ва маълумотнома олади;

– узоқ муддатга кетувчи шахс сифатида рўйхат ҳисобини юритади ва милиция таянч пунктидаги компьютер тизимига ҳамда рўйхат ҳисоби учун юритилган алоҳида йиғмажилдга киритади;

– қилинган ишлар бўйича ИИБ бошлиғига билдирги билан маълум қилади.

13-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолатда профилактика инспектори майор Т. О. Ҳамидов қуйидаги ишларни амалга оширади:

– фуқаро К. Р. Саидовни МТПга чақиртиради ва у билан профилактик мазмундаги суҳбат ўтказиши;

– фуқаро К. Р. Саидовни профилактик ҳисобга олиш учун ИИБ бошлиғига билдирги орқали мурожаат қилади;

– фуқаро К. Р. Саидовдан жамоат жойларида ҳамда оилада ҳуқуқбузарлик содир этмаслик тўғрисида огоҳлантириш-тушунтириш хати олади;

– яшаш жойидан тавсифнома олади;

– манзил-маълумотлар бюросига сўровнома ва маълумотнома юборади;

– Ахборот марказига талабнома юборади;

– фуқаро К. Р. Саидовнинг фотосурати ва яқин қариндошлари ҳамда алоқалари тўғрисида тўлиқ маълумот ва чизмали харита тайёрлайди;

– бармоқ изларини ва фотосуратини олади;

- тезкор ходим билан амалга оширилган профилактик ишлар режасини тайёрлайди ва ИИБ бошлиғига тасдиқлатади;
- профилактик ҳисоб варақаси реквизитларини тўлдириб, ҲООБ китобидан рўйхатдан ўтказди ва ИИБ бошлиғига тасдиқлатади;
- фуқаро К. Р. Саидовга маҳалла фуқаролар йиғинида мураббий бириктириш тўғрисида муҳокама қилиш баённома нусхасини олади.

14-масаланинг жавоби:

1. Ушбу ҳолатда Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ навбатчилик қисми навбатчиси майор Т. Б. Акрамбоев қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- олинган хабарни «Форма – 1» журналичига қайд этади ва у ҳақда билдирги орқали ИИБ бошлиғига ахборот беради;
- ИИБ бошлиғининг кўрсатмасига асосан иш кўради, хусусан ҳудуд профилактика инспекторига зудлик билан ҳолат ҳақида хабар бериб, тегишли чоралар кўришни сўрайди.

2. Мазкур ҳолат юзасидан профилактика инспектори майор А. В. Сарабоевнинг ҳаракатлари:

- ИИБ навбатчилик қисмидан хабарни олгач, 9-сонли марказий шифохонага боради ҳамда у ердаги беморларни қабул қилиш бўлиmidан фуқаро С.Ш. Ахмедовнинг дастлабки тиббий ташхиси тўғрисидаги маълумотни олади ва унинг қайси бўлимга ётқизилганлигини аниқлайди;

- фуқаро С.Ш. Ахмедовдан содир этилган воқеа бўйича ариза ва тушунтириш хати олади;

- фуқаро А.И. Ақромовни МТПга олиб келади ва «Милиция таянч пунктига ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун олиб келинган шахсларни қайд қилиш китоби»га қайд этади;

- фуқаро А.И. Ақромовдан содир этган ҳуқуқбузарлиги тўғрисида тушунтириш хати олади;

- МЖТКнинг 298-моддасига асосан гувоҳ сифатида С. Ш. Иқромовнинг кўшниларидан тушунтириш хатлари олади;

- фуқаро А.И. Ақромовнинг яшаш ва иш жойидан тавсифнома ҳамда маълумотномалар олади;

- 9-сонли марказий шифохонасидан фуқаро С.Ш. Ахмедовнинг касаллик тарихидан кўчирма ва касалликка тегишли бошқа тиббий маълумотларни олиш ҳақида қарор тайёрлайди;

- фуқаро С.Ш. Ахмедовга етказилган тан жароҳатини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 172,

173, 174 ва 180-моддаларини қўллаб, суд-тиббиёт экспертизаси тайинлаш тўғрисида қарор тайёрлайди ва унинг асосида суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасини олади;

– суд-тиббий экспертизасининг берган хулосасига асосан («соғлиғини бузмаган енгил тан жароҳати» бўлса,) профилактика инспектори фуқаро А.И. Ақромовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 52-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлиги тўғрисида ушбу кодекснинг 279 ва 281-моддаларига мувофиқ маъмурий баённома тузади;

– туман ИИБ бошлиғи номига содир этилган ҳуқуқбузарлик юзасидан қилинган ишлар бўйича ва тўпланган ҳужжатларни чора кўриш учун Юнусобод туман жиноят ишлари бўйича судига юбориш учун билдирги билан муружаат этади;

– судга юбориш учун кузатув хати тайёрлайди ва котибиятдан чиқиш рақами билан қайд эттириб юборилишини таъминлайди.

15-масаланинг жавоби:

Бундай ҳолатда Юнусобод тумани ИИБ ҲООБ жазони ижро этиш инспекцияси инспектори кичик сержант В.Ю. Пармонов қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

– бу ҳақда зудлик билан туман ИИБ бошлиғига билдирги орқали ахборот беради;

– турмуш ўртоғи М. Холиқовадан, икки нафар қўшнисидан тушунтириш хатларини олади;

– маҳкум Ҳ.В. Холиқовнинг қаердалигини аниқлаш мақсадида, дастлабки қидирув-суриштирув ишларини амалга оширади, хусусан уни қариндошлари, алоқада бўлиб юрган танишларидан суриштиради, яқин орадаги шифохона ва ўликхона (морг)лардан, реабилитация марказларидан сўровнома асосида маълумотномалар олади;

– суриштириш ишлари натижа бермаган тақдирда туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚК хизмати ходимлари орқали унга нисбатан суд томонидан қидирув эълон қилиниши чораларини кўради;

– маҳкум Ҳ.В. Холиқовни қидириб топиш жараёнида ИИБ ЖҚ ва УЖҚК хизмати ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлик қилиб боради;

– бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида билдирги орқали туман ИИБ бошлиғига ахборот бериб боради.

16-масаланинг жавоби:

1. Техник қўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи сардори сафдор С.Г. Ортиқовнинг ҳаракатлари нотўғри.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Қўриқлаш саф бўлинмалари томонидан объектлар ва фуқаролар хонадонларининг қўриғини таъминлаш ҳақидаги Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 2011 йил 27 июнь 91-сонли буйруғининг 56-бандига асосан техник қўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи аъзолари ташвиш хабари бўйича ҳаракатланаётган вақт давомида ўткинчи шахсларнинг саволига жавоб бериши тақиқланади.

2. Бундай ҳолатда техник қўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи сардори сафдор С.Г. Ортиқов Дурдона Алиеванинг шахсини аниқлаб, Қорасув 3-дахаси, 14-уй, 8-хонадонининг ташвиш хабарига аниқлик киритмагунга қадар гумонланувчи шахс сифатида Дурдона Алиевани вақтинчалик ушлаб турилиши лозим эди.

17-масаланинг жавоби:

1. Постда турган қўриқлаш хизмати ходимлари ҳолат бўйича наряд бошлиғига, ўзининг тўғридан-тўғри бошлиғига ҳамда объект раҳбарига зудлик билан хабар беради. Олиб чиқиладиган товар-моддий бойликлар ўша вақтнинг ўзида олиб қўйилади.

2. Ушбу ҳолатда қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

- фуқаро Н.Н. Искандаровдан тушунтириш хати олинади;
- олиб қўйилган товар-моддий бойликлар омборхонага қайтарилади ва у ердан нарх-наво кўрсатилган маълумотнома олинади;
- туман-шаҳар ИИБ бошлиғи номига билдирги ёзилади;
- икки нафар холис иштирокида баённома ёки далолатнома тузилади;
- икки нафар холистан тушунтириш хати олинади;
- маъмурий баённома тўлдирилади;
- ҳуқуқбузарни туман-шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига олиб келиб рўйхатдан ўтказиш китобига киритилади;
- тўпланган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилиб кўриб чиқиш учун судга юборилади.

18-масаланинг жавоби:

– дархол омонат кассасига етиб бориб эшик ва деразаларнинг бутунлигини текширади;

– агар жиноятчининг бошқа (эшик ва деразалар бузилганлиги) аломатлари аниқланган бўлса, дархол ҳудудий ИИБ навбатчилик қисмига ахборот беради, сўнг тезкор ҳаракатланувчи гуруҳ бошлиғи шахсий эҳтиёткорлик чорасини кўрган ҳолда, 2 нафар тезкор ҳаракатланувчи гуруҳ ходимини жиноятчининг қочиши, беркиниши мумкин бўлган жойларга кўяди, тезкор-тергов гуруҳининг етиб келишини кутади;

– атрофдаги кўча ва уйларни кўздан кечиради ва доимий тезкор навбатчи билан алоқада бўлади;

– воқеа содир бўлган жойни кўриқлаш вақтида товар-моддий бойликлар, пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, очик сейфлар, ўқ излари, қонга ўхшаган доғлар ва бармоқ изларини кўриқлайди;

– шахсий эҳтиёткорликни ҳисобга олган ҳолда жиноятчиларни қўлга олади ва ҳудудий ИИБ навбатчисига хабар беради, жиноятчи қаршилиқ кўрсатса, самбо ва қўл жанги усулларини қўллаши ва лозим бўлса табел куролидан фойдаланади;

– агарда «Ташвишгоҳ» сигнали техник носозлик туфайли ишлаб кетган бўлса, у ҳолда ҳудудий ИИБ навбатчилик қисмига хабар беради;

– воқеа жойига жиноятчиларга сездирмасдан келиш, транспорт воситасини омонат касса олдида эмас, балки бироз узоқроқда тўхташ, воқеа жойига келиб, жиноятчиларнинг беркиниши мумкин бўлган жойларни кўздан кечириш кўриқланаётган объектни назорат қилиш, жиноятчиларни қочиб кетишларига йўл қўймайди.

19-масаланинг жавоби:

1. Бундай ҳолатда техник кўриқлаш пункти бошлиғининг қонуний ҳаракатлари қуйидагича:

– фуқаро Ахмедов Аброр Артиковичдан кўриқлаш бошқармаси бошлиғи номига хонадонни кўриқлашга қабул қилиш ҳақида илтимоси баён этилган ариза олинади;

– техник кўриқлаш пункти бошлиғи кўриқлаш хизмати томонидан кўрсатиладиган хизмат шартлари билан фуқаро Ахмедов Аброр Артиковични таништиради;

– ушбу аризага асосан техник кўриқлаш пункти бошлиғи мутахассислар билан биргаликда ушбу хонадонни синчковлик билан ўрганиб чиқади;

– техник кўриқлаш пункти бошлиғи ва мутахассислар хонадонни ўрганиб чиққач, кўриқлаш ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализация воситалари электромонтёр томонидан ўрнатилади, сигнализация воситаларига кетган харажатларни фуқаро Ахмедов А.А. томонидан қопланади.

2. Фуқаро А. А. Ахмедовнинг хонадонини кўриқлашга қабул қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

– хонадонни кўриқлашга топшириш тўғрисида фуқаронинг аризаси;

– хонадоннинг техник мустаҳкамлиги ўрганиб чиқилганлиги тўғрисида далолатнома;

– хонадонни кўриқлашга қабул қилиш ҳақида фуқаро билан кўриқлаш бўлими ўртасидаги шартнома;

– шартнома тузилгандан кейин хонадонни кўриқлашга қабул қилиш ҳақида далолатнома.

20-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

– транспорт воситаси тўхтаганидан сўнг йўл-патруль хизмати инспектори ҳайдовчи ёнига бориб ўзини таништиради ва ҳайдовчидан ўзига ҳамда транспорт воситасига тегишли ҳужжатларни тақдим этишини сўраб нима учун тўхтатганлигининг сабабини тушунтиради;

– ҳайдовчининг бу ҳолати унинг салбий оқибатлардан руҳий сақланиш тури эканлигига эътибор бериб, унинг хулқини инспекторга нисбатан ҳурматсизлик деб тушунмаслиги лозим;

– буни ўзаро шахсий муносабат (сен қандай бўлсанг, мен ҳам шундай) эмас, балки дўстона ва эътиборли мулоқотни сақлаши лозим;

– руҳий зиддиятни сусайтириб, бунинг учун ҳайдовчининг диққатини ўзини тутиш ҳолатига эмас, балки йўл шароитига жалб этиши лозим;

– ҳайдовчини тушунишга ҳаракат қилиши лозим (масалан, «йўл шароити ҳақиқатан ҳам оғир, лекин сиз қуйидагича иш тутишингиз керак эди (қандай эканлигини тушунтиради)» ёки «йўл қўйган қоидабузарлигингиз жамоага катта хавф туғдирмади, лекин сиз йўл шароитининг ҳолатларини ҳисобга олмадингиз (етарли кўринмаслик ва ҳ.к.)»);

– ҳайдовчига инспектор ўз ҳаракатларини шахсий манфаат учун эмас, балки давлат органи ваколати номидан лавозимли шахс сифатида иш юритаётганлигини тушунтириши лозим;

– ҳайдовчига унинг қоидабузарлиги жамоа хавфсизлигига тўғри келмаслигини тушунтириб, унга тегишли тартибда чора қўллайди.

21-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– йўл-патруль хизмати инспектори ҳайдовчига белгиланган тезликдан юқори тезликда ҳаракатланиб йўл ҳаракати қондасини бузганлигини тушунтиради ва тезлик ўлчаш аппаратида қайд этилган тезликни ҳамда вақтини кўрсатади, шунингдек суғурта полисининг йўқлигини инобатга олиб транспорт воситасини жарима майдончасига қўйишини айтади;

– содир этилган қоидабузарлик юзасидан ҳайдовчига МЖТКнинг 294-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, йўл ҳаракати қоидаларининг тегишли банди билан маъмурий баённома расмийлаштиради ва ушбу баённома билан ҳайдовчини таништиради;

– бу ҳақда марказий диспетчерлик хизматига ёки сафдаги бўлинма командирига радио алоқа воситаси орқали хабар беради ва ҳайдовчи билан биргаликда транспорт воситасини жарима майдончасига олиб боради;

– транспорт воситасини жарима майдонига қўйиб ҳайдовчи ҳамда жарима майдонига беркитилган масъул шахс иштирокида транспорт воситаси ва унинг салонини кўздан кечириб, бу ҳақда уч нусхада далолатнома расмийлаштиради;

– далолатноманинг бир нусхасини баённомага илова қилади, иккинчисини жарима майдонига беркитилган масъул шахсга, учинчисини эса ҳайдовчига беради.

22-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолатда йўл-патруль хизмати инспектори қуйидаги қонуний ҳаракатларни амалга оширади:

– тезда мурожаат қилган фуқаронинг исми шарифи, яшаш жойи ва унинг транспорт воситасининг русуми, тури, ранги, давлат рақам белгиси ҳақидаги маълумотларни олиб марказий диспетчерлик хизматига хабар қилади;

– транспорт воситаси бўйича қўшимча маълумотларни, яъни (ойнаси қорайтирилган, бирор жойи шикастланган орқа ва олд пеш ойнасидаги алоҳида белгилари, ўриндиғидаги ғилофи ҳақидаги маълумотларни олиб транспорт воситасини ҳаракатланиш эҳтимоли бор йўналишдаги барча йўл-патруль хизмати ҳамда бошқа милиция нарядларини хабардор этади;

– агарда олиб қочилган транспорт воситасининг аниқ ҳаракатланаётган йўналиши маълум бўлса марказий диспетчерлик хизмати навбатчиси билан доимий алоқа қилган ҳолда транспорт воситасини таъқиб қилади.

23-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолатда профилактика инспектори капитан А. А. Қосимов қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

– фуқаро Л. А. Комиловни фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш китобига қайд этади;

– зудлик билан ИИБ навбатчилик қисмига ва тегишли хизматларга, хусусан фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда яқин орада жойлашган тиббий хизматларга хабар беради ва воқеа жойига маҳалла посбони жамоат тузилмаси аъзолари билан биргаликда етиб боради;

– ИИБ навбатчилик қисмига вазият ҳақида қўшимча ахборот бериб, зарур бўлса ёрдамчи куч сўрайди;

– фавқулодда ҳолат содир бўлган жойда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида яқин орадаги бошқа хизмат ходимлари, жамоат тузилмалари вакиллари воқеа жойини қўриқлаш ва аҳолининг яқинлашишига йўл қўймаслик чораларини кўради;

– ҳамкорликка жалб қилинганлар билан биргаликда бинонинг қулаган деворлари атрофида жабрланганларни, айниқса уларнинг оғир аҳволдагиларини ва ёрдамга муҳтож бўлган шахсларни зудлик билан қутқариш ҳамда хавфсизроқ жойга кўчириш ишларини амалга оширишни ташкил этади;

– фавқулодда ҳолат натижасида жабрланган шахсларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни тиббий муассасаларга юбориш чораларини кўради;

– воқеа содир бўлган жойда жабрланганларнинг сонини аниқлаш ва улар ҳақидаги маълумотларни тегишли хизматларга тақдим этишга доир ишларни амалга оширади;

- қўшимча куч ва воситалар етиб келгандан сўнг, улар билан ҳамкорликда зилзила оқибатларини бартараф этишни ташкил этади;
- воқеа содир бўлган жойда давлат ва фуқаролар мулкани талон-торож қилинишининг олдини олиш, уларни қўриқлаш чораларини кўради;
- ушбу ҳолатни кузатаётган фуқаролардан тушунтириш хатлари олади;
- ҳолат юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича билдирги орқали ИИБ бошлиғига хабар беради.

24-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолатда МТП профилактика инспектори капитан Н. Б. Раҳимов қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- зудлик билан ИИБ навбатчилик қисмига ва тегишли хизматларга, хусусан ҳудудий ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари ҳамда яқин орада жойлашган тиббий хизматларга хабар беради ва воқеа жойига маҳалла посбони жамоат тузилмаси аъзолари билан биргаликда етиб боради;
- вазият билан танишиб чиқади ҳамда ИИБ навбатчилик қисмига вазият ҳақида қўшимча ахборот бериб, зарур бўлса ёрдамчи куч сўрайди;
- ўт ўчириш гуруҳи етиб келгунга қадар ёнғин содир бўлган жойда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жамоатчилик ёрдамида оловни ўчириш, ҳудудни қўриқлаш ва аҳолининг яқинлашишига йўл қўймаслик чораларини кўради;
- жамоатчилик вакиллари билан биргаликда ёнғиндан жабрланганларни, айниқса уларнинг оғир аҳволдагиларини зудлик билан қутқариш ҳамда хавфсизроқ жойга кўчириш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этади;
- воқеа содир бўлган жойда жабрланганларнинг сонини аниқлаш ва улар ҳақидаги маълумотларни тегишли хизматларга тақдим этиш чораларини кўради;
- ўт ўчириш гуруҳи етиб келгандан сўнг улар билан ҳамкорликда ёнғин оқибатларини бартараф этишни ташкил этади;
- мактаб ҳудудида давлат ва фуқаролар мулкани талон-торож қилинишининг олдини олиш, уларни қўриқлаш чораларини кўради;
- ушбу ҳолатни кузатаётган фуқаролардан тушунтириш хатлари олади;

– ўт ўчириш гуруҳининг ёнғин содир бўлган жойга ўз вақтида етиб келганлиги ёки кечикканлигини, уларнинг кечикиш сабабларини аниқлаш чораларини кўради;

– келгусида бундай ёнғинлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида, тегишли мутахассислар ёрдамида уни келтириб чиқарган сабаб ва шароитларни аниқлаш чораларини кўради;

– ҳолат юзасидан амалга оширилган ишлар, аниқланган маълумотлар бўйича билдирги орқали ИИБ бошлиғига хабар беради.

25-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолатда профилактика инспектори майор А.А. Валиев қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

– ўтказиладиган тадбир ҳақида туман ИИБ бошлиғига билдирги орқали хабар беради;

– ИИБ бошлиғининг топшириғига асосан бошқа соҳавий хизматлар билан келишилган ҳолда тадбир давомида жамоат тартибини сақлаш бўйича режани ишлаб чиқади ҳамда ИИБ бошлиғига тасдиқлатади;

– тадбир ўтказиладиган жойни туман ИИБ ёнғин хавфсизлиги хизмати, жамоат тартибини сақлаш хизмати ходимлари билан кўздан кечиради ва белгиланган тартибда далолатнома тузади;

– аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мактаб маъмуриятига тақдимнома киритади;

– тадбирга жалб этилганлар сони, тадбир бошланиш ва тугаш вақти ҳамда бошқа керакли маълумотларга аниқлик киритади;

– тадбир бошланишидан олдин соҳавий хизматлар ходимларига тегишли вазифаларни белгилаб беради ҳамда улар билан йўриқнома ўтказади;

– тадбир давомида жамоат тартибини сақлашни таъминлайди ҳамда тадбир тугаганидан сўнг қатнашчиларни тарқалиши чораларини кўради;

– бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида туман ИИБ бошлиғига билдирги орқали ахборот беради.

26-масаланинг жавоби:

Ушбу ҳолатда туман ИИБ бошлиғининг хизмат бўйича ўринбосари майор К. С. Бакиров қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

– оммавий тадбир бошланишидан камида 4 соат олдин хизматга жалб этилган куч ва воситаларни тадбир ўтказиладиган жойга йиғиб, улар билан йўриқнома ўтказади ҳамда уларнинг олдида қўйилган

вазифаларни, талабларни етказди. Шунингдек, кичик гуруҳларга раҳбарлик қилувчи масъул ходимлар бириктирилади;

– куч ва воситаларнинг етарли эканлиги, ходимларнинг эпикировкаси, ажратилган алоқа, транспорт ва бошқа техник воситаларнинг созлиги, ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини қай даражада билишлари ўрганиб чиқилади;

– ҳар бир гуруҳ раҳбарининг алоқа воситалари билан, кузатув постлари ва ҳужжатлаштириш гуруҳларининг эса фото-видео аппаратлар билан таъминланганлиги, уларга алоқа чақирув номлари белгиланганлиги текширилади;

– ажратилган захира кучлари бириктирилган масъул раҳбар ходим бошчилигида тадбир ўтказилаётган объектга яқин жойлашган биноларда, махсус ажратилган автобусларда жойлаштирилади;

– бошқарув пункти ички ишлар органларининг махсус алоқа воситалари билан жиҳозланган автобуси ёки бошқа турдаги транспорт воситаларида, шунингдек бевосита тадбир ўтказилаётган, кўзга ташланмайдиган жойларда алоҳида ажратилган хонада жойлаштирилади;

– хизматга жалб этилган барча ички ишлар органлари нарядларининг хизматини бошқариш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида бошқарув пунктида ППХ, ЙПХ, ЁХХ ва бошқа хизматларнинг алоқа йўналишларида ишловчи алоқа воситалари ўрнатилади ҳамда алоқа канали ва чақирув номлари келишиб олинади;

– тадбир давомида ички ишлар органлари нарядларига алоқа воситаларида фақат кўрсатма ёки топшириқларни қабул қилиш, зарур ҳолларда эса вазият тўғрисида тезкор штабга ахборот бериш, шунингдек кўшимча нарядлар ажратилишини сўраш учун фойдаланишлари тўғрисида кўрсатма берилади;

– шахсий таркибни тақсимот асосида зоналар, участкалар, секторлар, минбарлар, постлар, ҳалқалар, занжирлар, назорат ўтказиш жойлари ва бошқа постларга бўлади;

– хизматга жалб этилган шахсий таркиб белгиланган хизмат жойларини эгаллаб, тадбир бошланганидан сўнг штаб аъзолари, бириктирилган раҳбар ходимлар ёрдамида тадбир давомида хизматнинг боришини назорат қилиб боради, алоқа воситалари ёрдамида хизматга жалб этилганларга тегишли кўрсатмаларни бериб, улардан тезкор вазият ҳақида хабар олиб туради;

– участкалар, ҳудудлар, секторлар, минбарлар, постлар, ҳалқалар, занжирлар, назорат текширув пунктлари ва бошқа постларда хиз-

матга жалб этилган ички ишлар органлари нарядларининг раҳбарлари билан алоқада бўлиб, тезкор вазият ҳақида туман ИИБ ва Тошкент вилояти ИИБ навбатчилик қисмига ахборот бериб боради;

– тадбир тугаганидан кейин тузилган штаб билан хизмат якуни бўйича йиғилиш ўтказилади. Йиғилишда хизмат давомида йўл қўйилган камчиликлар ва юзага келган муаммолар муҳокама қилиниб, уларни бартараф қилиш бўйича чоралар келишиб олинади;

– тадбир якуни ва унда хизматнинг қай тарзда борганлиги ҳақида юқори турувчи ички ишлар органлари раҳбарлари номига ёзма маълумотнома тақдим этади.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
7-мавзу. ИИВ тизимида ташкилий инспекторлик хизмати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари	5
9-мавзу. ИИВ тизимида шахсий таркиб билан ишлаш хизмати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари	6
11-мавзу. ИИВ тизимида молия-иқтисод хизмати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари	7
16-мавзу. ИИВ тизимида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш хизмати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	7
19-мавзу. ИИВ тизимида қўриқлаш хизмати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари	12
21-мавзу. ИИВ тизимида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари	13
26-мавзу. Табiiй офатлар ва техноген ҳалокатлар шароитида ички ишлар органларининг фаолияти	14
27-мавзу. Оммавий тадбирларни ўтказишда ички ишлар органларининг фаолияти.....	15
Ж а в о б л а р	16

**ЗИЁДУЛЛАЕВ Музаффар Зиёдуллаевич,
юримик фанлар номзоди, доцент;
ИМОМОВ Бахриддин Панжиевич;
ҚУРБОНОВ Хасан Ўталович**

**ИИВ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНГАН БОШҚА
ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИ КУРСИДАН
МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

**Мухаррир Б. Қ. Эргашев
Техник мухаррир М. Р. Исаметова**

Босишга рухсат этилди 05.06. 2013. Нашриёт-хисоб табағи 2,5.
Адади 50 нусха. Буюртма №.79.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68